

Умидсизликка тушма



12:28 / 24.05.2025 2000

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга кетаётган эдилар. Йўлда сузишаётган икки қўчқорни кўриб қолишди. Шунда у зот Абу Зарр розияллоҳу анҳуга дедилар:

- Эй Абу Зарр! Уларнинг нега сузишаётганини биласанми?

- Йўқ!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Аммо Аллоҳ таоло билади. Қиёмат куни улар орасида ҳукм қилади!

Ҳаёт дегани фақат шу дунё эмас. Ололмаган ҳаққинг учун умидсизликка тушма. Бошқалардан зўрлик биланми, алдоқчилик биланми, чув туширибми эгаллаб олган нарсангга суюнма. Охиратда тана аъзоларигача

гувоҳлик берадиган маҳкама ўрнатилади. Ўзингни бўлмаган нарсани олган қўлинг, ҳалол бўлмаган нарсага қараган кўзларинг, ҳаром еган оғзинг, одамларга азият берган тилинг ўша кунда гувоҳлик беради. Ўзингинг гувоҳларинг сенга қарши ёки фойдангга гувоҳлик беришади.

Яхши гувоҳни танла!

Фақат аёллиги учунгина меросдан маҳрум қилинган азиз қизларимиз! Аллоҳга қасамки, қиёмат кунда ҳаққингизни олганингизда, бугунги кунда меросингизни олгандан кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Беҳудага эридан калтак ейдиган, қўпол сўзлар эшитадиган, унга сабр қилиб «Ҳасбияллоҳу ва неъмал вакил» дейдиган азиз аёлларимиз! Қиёмат кунда эрингиздан ҳаққингизни олганингизда, Аллоҳга қасамки, бугун ҳаққингизни олгандан кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Хўжайини беҳурмат қиладиган, бу камситилишларга бола-чақаси оч қолмаслиги учун чидаб юрадиган бечора ишчилар! Аллоҳга қасамки, қиёмат кунда Аллоҳнинг ҳузурида ҳаққингизни албатта оласиз. Ўшанда бу дунёда раҳбарингиз сизни ҳурмат қилганидан кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Ишчилари кўзининг олдида яхши ишлаб, нари кетганда «вақт ўтса бўлди»га ишлайдиган раҳбарлар, агар келишилган иш ҳақини бераётган бўлсангиз-у, ходимларингиз шартлашилган вазифани бажармаётган бўлса, кўпам куюнманг, ҳали қиёмат кунда улар сиз учун «ишлаб беришади».

Барчангизга хушxabар бўлсин! Икки қўчқор мукаллаф бўлишмаса-да, улар ўртасида адолат билан ҳукм қиладиган одил Раббимиз сиз ва рақибингиз орасида яқинда адолат билан ҳукм қилади!

Ўша кунда мазлум ҳолатда турганлар хурсанд бўлишади!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.